



O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 33 - сонли баённомасидан кўчирма

Манзили Тошкент ш.,
Шахрисабз кўчаси, 3

2015 йил 30 октябрь
иш вақти 11.00-12.00

Йиғилишни Банк Кенгаши аъзоси – У.Мухтаров очди.

Саноқ комиссиясининг маълумотига кўра, йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 159.203.953 (бир юз эллик тўққиз миллион икки юз уч минг тўққиз юз эллик уч) дона ёки 78 фоизига эгалик акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтди ва умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжуд.

Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
2. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш;
3. 2014 йил якуни бўйича Банк фойдасининг бир қисми ҳисобига акцияларнинг номинал қийматини ошириш орқали Банк Устав капиталини кўпайтириш.

Кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори 200.000.000 (икки юз миллион) дона, шу жумладан 199.000.000 (бир тўксон тўққиз миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар ва 1.000.000 (бир миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар деб белгилансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 159.203.953 овоз

«Ёқлайман» - 159.203.953 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

2. Банк Уставига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин.

Банк Уставининг 16.1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16.1. Банкнинг устав капитали (жойлаштирилган акциялар сони) 671.099.419.020 (олти юз етмиш бир миллиард тўксон тўққиз миллион тўрт юз ўн тўққиз минг йигирма) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 664.595.419.020 (олти юз олтмиш тўрт миллиард беш юз тўқсон беш миллион тўрт юз ўн тўққиз минг йигирма) сўм бўлган 204.365.135 (икки юз тўрт миллион уч юз олтмиш беш минг бир юз ўттиз беш) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- умумий қиймати 6.504.000.000 (олти миллиард беш юз тўрт миллион) сўм бўлган 2.000.000 (икки миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.”

Банк Уставининг 16.2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16.2. Устав капиталини ошириш мақсадида, Банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган (қўшимча) жами акциялар сони 200.000.000 (икки юз миллион) донани ташкил қилади, шу жумладан:

- умумий сони 199.000.000 (бир юз тўқсон тўққиз миллион) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- умумий сони 1.000.000 (бир миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.”

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 159.203.953 овоз

«Ёқлайман» - 159.203.953 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

3. 2014 йил якуни бўйича Банк фойдасининг бир қисми ҳисобига акцияларнинг номинал қийматини 130 (бир юз ўттиз) сўмга ошириш орқали Банк Устав капиталини кўпайтиришга 26.827.467.550 (йигирма олти миллиард саккиз юз йигирма етти миллион тўрт юз олтмиш етти минг беш юз эллик) сўм йўналтирилиши ҳамда қолган 72.532.450 (етмиш икки миллион беш юз ўттиз икки минг тўрт юз эллик) сўм тақсимланмаган фойдада қолдирилиши белгилансин. Банк Кенгаши зиммасига Банк устав капиталини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва бу билан боғлиқ ўзгартиришларни Банк Уставига киритиш ҳақида қарор қабул қилиш вазифаси юклатилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 159.203.953 овоз

«Ёқлайман» - 159.203.953 овоз, «Қаршиман» - йўқ, «Бетарафман» – йўқ.

Акциядорлари навбатдан ташқари
умумий йиғилиши Раиси:

У.Мухтаров

Умумий йиғилиш котибияти:

З.Баймурадова

К.Хасанова



З. Асанова
ASLIGA TO'G'RI